

УДК 634.9+631.6

**АТИРГУЛ ПАЙВАНТАГЛАРИ УЧУН, НАЪМАТАК УРУҒКЎЧАТЛАРНИ
ЕТИШТИРИШ****Турдиев Сайдали Ашурович**

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори доцент, Тошкент давлат аграр университети

Жалилов Термизхон Рахмон ўғли

Магистр, Тошкент давлат аграр университети

Алиева Фотима Зайниддиновна

Магистр, Тошкент давлат аграр университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7339573>

Аннотация. Мақолада атиргул етиштириши учун, наъматак уруғларини экишда уруғларни униш биологиясига боғлиқ агротехник тадбирлар баён этилган. Уруғларни экиш меъёри, уруғларни униш чиқишига салбий таъсир қилувчи омиллар, уруғ кўчатларни ўсиш баландлиги ва уларнинг диаметрлари ҳамда стандарт уруғ кўчатларни чиқиши келтирилган. Шу билан бирга март ойида экилган уруғлар август ойининг учинчи декадасида пайвантаклар сифатида фойдаланишига 70-85% гача яроқли бўлганлиги баён этилган.

Калит сўзлар: уруғкўчат, ниҳоллар, март ойи, стратификация, эгат, жуда сийрак.

ДЛЯ ПРИВИВОЧНЫХ РОЗ, ВЫРАЩИВАНИЯ СЕЯНЦЕВ ШИПОВНИКА

Аннотация. В статье описаны агротехнические мероприятия, связанные с биологией прорастания семян при посадке семян при выращивании роз. Приведены нормы высева, факторы, влияющие на всхожесть семян, высоту и диаметр сеянцев, стандартную урожайность сеянцев. При этом установлено, что 70-85% семян, высеянных в марте, пригодны для использования в качестве черенков в третьей декаде августа.

Ключевые слова: сеянец, саженец, март, стратификация, борозды, очень редко.

GROWING FERTILITY SEEDLINGS FOR ROSE PLANTS

Abstract. The article describes agrotechnical measures related to the biology of seed germination when planting seeds when growing roses. Seeding rates, factors affecting seed germination, seedling height and diameter and standard yield of seedlings are given. At the same time, it was started that 70-85% of the seeds sown in March are suitable for use as cuttings in the third decade of August.

Keywords: seedling, seedlings, March, stratification, furrows, very rare.

Кириш. Маълумки, атиргул кўчатларини етиштиришда наъматакни уруғларидан етиштирилган пайвандлашга яроқли кўчатлари зарур бўлади. Бунинг учун наъматакнинг йирик мевали истикболли нав ва маҳаллий шаклларни уруғларидан ўстириш лозим бўлади. Бунинг учун наъматак мевалари тўлиқ физиологик жихатдан пишиб етилмасдан сарғая бошлаган вақтда (Тошкент шароитида август ойининг 3 декадасига тўғри келади, турли вилоятларда иқлим шароитига кўра 10-15 кун фарқ қилиши мумкин) мевалар териб олинади ва уруғлари ажратилиб олинди дарҳол экиш ҳамда суғориш яхши самара беради.

Мевалар физиологик жиҳатдан тўлиқ пишиб етилган даврда яъни, сентябр охири, октябр ойларида терилган уруғларнинг уруғ қобиғи мустаҳкамлашиб тиним даври бирикки йилга (жорий йилда экилган уруғлар кейинги йилда ҳам униб чиқиш ҳолати кузатилади) чўзилиши мумкин. Натижада бир хил стандарт кўчатларнинг чиқиши таъминланмайди. Шу билан бирга уруғ кўчатларнинг ўсиб ривожланиши ва стандарт уруғ кўчатларнинг чиқишига уруғларни экиш меъёрларига эътибор қаратиш муҳим саналади.

Тадқиқотлар объекти. Наъматак уруғлари, уруғкўчатлари уларнинг ўсиш ва сақланиш кўрсаткичлари тадқиқот объекти сифатида олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларни ўтказишда куйидаги Наъматак уруғларининг мағзи тўқлигини аниқлаш QzDSt 322.15.04.2009 (ГОСТ 13056.8–68) «Семена деревьев и кустарников. Методы определения доброкачественности» талабларига биноан, аниқланган. Наъматакнинг уруғ кўчатлари QzDSt 322.15.04.2009 (ГОСТ 26231–84) «Сеянцы и саженцы шиповника» талаблари асосида олиб борилди [2, 3, 4].

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МУҲОКАМАСИ

Наъматак уруғкўчатларини атиргул пайвантаклари учун ҳам етиштириш мумкин. Шунга кўра биз ўз тадқиқотларимизда атиргул пайвантаклари учун наъматак уруғкўчатларини етиштирдик.

Жумладан, тадқиқотларимизда уруғларни январ ойида 3/1 пропорцияда кум билан 60 кун стратификация қилиб қўйилди. Уруғларда униш муртаклари ёзила бошлаганда олдиндан тайёрлаб қўйилган эгатларда ҳар бир пог/м да ўртача 4-5 грамдан экилди.

Э.Т.Бердиев (2019) маълумотларига кўра наъматакнинг истиқболли шаклларини танлаш ва кўпайтириш, бир пог/метрда ўртача 4 грамдан уруғларни экиш стандарт уруғлар чиқишига меъёр сифатида тавсия этилган [1, 2].

Уруғлар экилгандан сўнг, албатта уларни устини мулчалаш жараёни яхши самара беради, лекин уруғлар устида товук гўнги кўп бўлган шולי кипиқларини сепиш яхши самара бермайди.



1-расм. Қалин мулчаланган уруғларни униш кўрсаткичлари



2-расм. Қалин мулчаланмаган уруғларни униш кўрсаткичлари

Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, товуқ гўнги кўп бўлган мулча қалинрок сепилган эгатларда уруғларни деярли униб чиқмаганлиги кузатилди, яъни мулчалар сепилган эгатлар усти гўнг миқдорининг кўплиги эвазига суғориш ва ёмғирдан кейин мулчалар қотиб қатқалоқ ҳолатга келди. Натижада уруғлар бу қотиб қолган қатқалоқни ёриб чиқа олмасдан нобуд бўлди, яқка-яқка ҳолларда айрим жойларда янги ниҳоллар пайдо бўлди холос. Лекин, жуда сийрак мулчаланган, товуқ гўнги кам бўлган шоли кипиқларидан фойдаланилган эгатларда ва умуман мулча сепилмаган эгатларда наъматак уруғларининг униб чиқиш даражаси юқори эканлиги кузатилди. Тадқиқотчилар томонидан наъматак уруғларини экиш меъёрлари турли меъёрларда синаб кўрилган, маълумки физиологик жиҳатдан пишиб етилган ва экиш муддатларида уруғларни экиш уруғ кўчатларни ривожланиши ва стандарт уруғ кўчатлар чиқишига таъсири сезилади.

Уруғларни экиш меъёри ортиб боргани сари уруғ кўчатларни озикланиш меъёри камаяди, натижада стандарт уруғкўчатларни чиқиши ҳам камаяди. Уруғларни ўртача бир поғоно метрда 4-5 грамм меъёрда экиш стандарт уруғ кўчатларни ортишига сабаб бўлди.

Наъматак уруғ кўчатларининг ўсиб ривожланиши уруғ экиш меъёри ва эгатлардаги ниҳоллар қалинлигига боғлиқ. Уруғларни бир п/м да ўртача 4-5 граммда экилганда уруғкўчатлар сонини 16–73 тагача эканлиги кузатилди. Фақатгина қалин мулчаланган эгатлар бузиб ташланди. Тадқиқотларимиз охирида вегетация якунида бир йиллик уруғ кўчатларнинг ўртача баландлиги 15 см дан 70 см гача ва ўртача диаметри 3 мм дан 8 мм гача кўрсаткичларга эга бўлдилар. Албатта, уруғкўчатларнинг яхши ўсиш кўрсаткичлари ва уларнинг диаметрларини қалинлиги пайвантак сифатида фойдаланиш (куртак пайванд қилиш) учун муҳим саналади. Ушбу 4-5 грамм (ўртача) бир п/м да уруғларни экиш меъёрида стандарт уруғ кўчатларни ялпи чиқиши ўртача 65% ни ташкил қилди, энг юқори кўрсаткич айрим эгатларда стандарт уруғ кўчатлар миқдори 90% гача эканлигини кўрсатди.

Тадқиқотларимиз давомида март ойида экилган уруғлар август ойининг учинчи декадасида (илдиз бўғзидан куртак пайванд қилишга) павантаклар сифатида фойдаланишга 70-85% яроқли бўлди. Шунга кўра ушбу уруғкўчатларга атиргул турларини пайвандлаш (куртак пайванд қилиш) ишлари олиб борилди.




3-расм. Атиргул ўстириш учун наъматак -

4-расм. Август ойида пайванд қилинган

нинг янги ниҳоллари униб чиққан
плантацияси майдони

наъматакнинг 15-70 см узунликдаги
уруғкўчатлари



1-График. Наъматак уруғ кўчатларини бир йиллик ўсиш динамикаси

Хулоса: Атиргул кўчатлари асосан наъматак уруғларидан етиштирилган кўчатларга (илдиз бўғзидан куртак пайванд қилишга) пайвандлаш асосида ўстирилади. Бунинг учун наъматакнинг йирик мевали истиқболли нав ва маҳаллий шаклларни уруғларидан ўстириш лозим бўлади. Наъматак мевалари тўлиқ физиологик жиҳатдан пишиб етилмасдан сарғая бошлаган вақтда (Тошкент шароитида август ойининг 3 декадасига тўғри келади, турли вилоятларда иқлим шароитига кўра 10-15 кун фарқ қилиши мумкин) мевалар териб олинади ва уруғлари ажратишиб олиниб дарҳол экиш ҳамда суғориш яхши самара беради.

Эгатларга экилган уруғлар устини мулчалошда, мулчани қалин ва гўнг миқдори кўп бўлган озукани сепмаслик (сийрак сепиш) амалий аҳамиятга эга. Наъматакни илдиз бўғзига атиргулни куртак пайванд (пайвандлаш), Тошкент воҳаси шароитида август ойида тўлиқ, сентябр ойининг биринчи 10 (ўн) кунлиги оралиғида (турли вилоятларда иқлим шароитига кўра 10-15 кун фарқ қилиши мумкин) олиб бориш яхши сама беради. Пайвандлаш ишларини олиб боришдан бир икки кун олдин кўчатзорни яхшилаб суғориш муҳим аҳамиятга эга иш ҳисобланади.

REFERENCES

1. Бердиев Э.Т. Наъматак табиий витаминлар хазинаси. /Монография – Тошкент, ТошДАУ тахририят-нашриёт бўлими, 2019.-131 б.
2. Бердиев Э.Т., Тиркашев Б., Турдиев С.А. Наъматакнинг истиқболли шакллари танлаш, кўпайтириш ва плантацияларда ўстириш бўйича Тавсиянома* Тошкент, ЎзР ФА Минитипографияси, 2015, - 18-б.
3. ГОСТ 13056.8-68. Семена деревьев и кустарников. Методы определения жизнеспособности //Правила отбор образцов и методы определения посевных качеств семян. Введен с 01.07.68.-Москва, Изд-во стандартов, 1988.-С.125-144.
4. ГОСТ 26231-84. Сеянцы и саженцы шиповника: Технические условия.–введен С 01.07.85. – Москва, Изд-во стандартов, 1984. –5 с.